O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 YIL 16 DEKABR SHANBA № 146 (26.696)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 14 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси иш бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий-ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовга сўз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати матнини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси А.Одилов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Fофуров, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллаева, Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Миродилов иштирок этди.

Улар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги минг йилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди.

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон вилояти «Андижон» нашриёти директори Х.Нуғмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Янгийўл ёг-мой» ҳиссадорлик жамияти директори М.Худоёров иштирок этишди. Парламент

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Саноқли кунлардан кейин инсоният янги минг йилликка қадам қўяди. Бугун янги аср бўсағасида туриб, беихтиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Ўтиб бораётган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга бўлмай, балки янги-янги амалий ҳаракатларга ундовчи даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоҳада қилиб, янги асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз ўта муҳимдир.

XX аср мозийга юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятининг, илму фан, техника ва маданиятининг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро хавфи, оммавий сиёсий қатағонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари мудҳиш ҳодисалар айни XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳими интиҳоси — «совуқ уруш» даври барҳам топди. Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё қиёфаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам буюк соҳибқирон Амир Темур она заминимизда қудратли давлатга асос солди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънодаги янги Уйғониш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтгач, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустамлакачилик, тоталитар тузум азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср хотимасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустақилликка эришганимиз боис мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун зўр ғурур ва қониқиш билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафкураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Ҳамюртларимиз мустабид тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янгича назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалиётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон тўғрисида, айниқса, улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдида замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳамжамиятга янада фаол уйғунлашишдек беқиёс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида илгари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ биз ички ва ташқи сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ислоҳотларга янги илҳом бахш этишимиз зарур бўлади. Ана шу қўламдор вазифаларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ишончли ва мукаммал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, комил ишонч билан айтамизки, янги аср халқимиз учун катта тарихий ғалабалар асри бўлади. Шу муносабат билан сизларни жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислоҳ қилишда бундан буён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёнини муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз — Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлиги шакшубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла куч билан ишлашига, Конституциямизнинг нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосига айланишига эришиш ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яхлит бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осиё мамлакатларининг салоҳиятини уйғунлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

ЙИЛ ОЙ КУН

«ҚОРАКЎЛТЕКС» ЭКСПОРТ УЧУН ИШЛАЯПТИ

Лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган Америка — Ўзбекистон ҳамкорлигида бунёд этилган «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотни бера бошлади. Бор-йўғи етти ойда қуриб битказилган бу корхонага Американинг «Дельфи» фирмаси ва «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг маблағлари сарфланди. Европа тараққиёт ва тикланиш банки жамғарма фонди учун беш миллион сўм кредит ажратди. Корхонага замонавий дастгоҳларни Германиянинг «Тручлер» фирмаси етказиб берди.

— Корхона тайёрлов ва йигирув цехларидан иборат. Бу ерда 300 киши ишламоқда, — деди қўшма корхона раҳбари Мехриддин Мансуров биз билан суҳбатда. — Корхона 4300 тонна пахта толасидан 3800 тонна экспортбоп калава ип тайёрлайди.

Яқинда ишга туширилган мазкур корхона Германия технологияси асосида ишламоқдаки, унда маҳсулот қисқартирилган жараёнларда вақт ҳамда ишчи кучи тежалган ҳолда жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқариляпти. «Ақлли» машиналар калаваланган ип сифатини назоратдан ўтказади. Корхонанинг дастлабки маҳсулотига талабгорлар кўпайиб кетди. Италия, Жанубий Корея, Вьетнамдан келган тадбиркорлар билан шартномалар имзоланиб, маҳсулот жўнатиш бошлаб юборилди. Ҳа, «Қоракўлтекс» фақат экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ОБУНА-2001» МУШТАРИЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

Туманимизда «Ўзбекистон овози» газетасининг муштарийлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Обуна мавсумини ўтказиш жараёнида бунга ишонч ҳосил қилдик. Ҳатто партия кенгашига шахсан келиб, газетага обуна бўлиб кетганлар топилади.

Газетага «Соҳибкор», «Дўстлик», «Хоразм» ширкат хўжаликлари, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, туман марказий шифохонаси жамоалари кўп миқдорда обуна бўлишди. Шу хўжалик, корхоналарда фаолият кўрсатаётган партиямизнинг бошланғич ташкилотлари фаолларининг тинимсиз тарғиб-ташвиқотлари, ишни уюшқоқлик билан ташкил қилишгани натижасида бир ой ичида мавсумни кўнгилдагидек ўтказиб, режамиздаги миқдорда обуна тўплашга эришдик.

Энди туманда икки юз нафардан зиёд киши «Ўзбекистон овози»ни ўқийди. Бу якуний натижа эмас. Ҳозирда ҳам обунани давом қилдираяпмиз.

■ **Фарҳод ЖУМАБОЕВ,**
ЎзХДП Шовот туман кенгаши биринчи котиби

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

Мана шу муборак кунларда сиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати намояндаларини, барча анжуман иштирокчиларини азим пойтахтимиз Тошкентда бошланаётган Қорақалпоғистон маданияти байрами билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман.

Она Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва достонларида улуғлаб келади.

Бу халқнинг бадиий тафаккури ва юксак маънавияти «Қирққиз» каби достонлар, шу муқаддас заминда яшаб ўттан, эл-юрт озодлиги, адолат ва маърифат учун курашни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ каби оташнафас шоирларнинг ижодида яққол ўз ифодасини топган.

Улуғ аждодларимиз меросидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган қорақалпоқ халқи, айниқса, мустақиллик йилларида ўзлигини тўла намоён этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, рассом ва бастакорлари, кўплаб атоқли санъаткорлари ва ёрқин истеъдод соҳиблари бутун Ўзбекистонимизнинг ғурур-ифтихорига айланган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ишончим комилки, сизлар бу байрамга нафақат бетакрор санъатингиз намуналарини, жарангдор қўшиқларни, айни вақтда бепоён далалар, кўз илғамас яйловлар нафасини, мени ўз фарзанди деб билган қорақалпоқ халқининг юрак ҳароратини ҳам ўзингиз билан бирга олиб келгансиз.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, эзгуликни, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат каби юксак ғояларни таннум этишда барчангизга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ АСР — ЙИЛДАН НИМАЛАРНИ КУТЯПСИЗ?

«ПАХТА ДАЛАДА ҚОЛМАСИН»

Тан олиш керак, янги асрнинг охирги 10 йиллигида истиқлол шарофати билан иқтисодиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилди. Хусусийлаштириш йўлга қўйилди.

Мен келгуси асрда шу эзгу ишларимиз давом этишини орзу қиламан. Бу йил кузда хизмат юзасидан кўп жойларда бўлдим. Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида давлатнинг пахтаси далада қолиб кетаётганига гувоҳ бўлдим. Агар ўша ҳосил деҳқоннинг ўзиники бўлганда эди, у пайкал бошида ётиб олиб бўлса-да, пахтани мисқол-мисқолигача йиғиб-териб оларди. Масалан, Исроил давлатида томчилатиб суғориш ниҳоятда яхши йўлга қўйилган. Бизда эса аксинча. Сув орқа-олдига қарамай ишлатилади. Шўрлаш натижасида ерларимиз чарчаб, бузилиб кетмоқда. Наинки еримизнинг, ҳаттоки сувимизнинг ҳам ҳеч бир томчиси исроф қилинмаса дейман.

■ **Ботир ТЎХТАМИШОВ,**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти маркетинг хизмати ва тадбиркорлик бўлими бошлиғи

ҲАЛОЛ САВДО КАМОЛ ТОПСИН

XX асрнинг қарийб 70 йили давомида режали иқтисодиёт бўйича иш юритилиб, фақат юқоридан кўрсатма кутиб яшашга тўғри келди. Бозор муносабатларига мутлақо аҳамият берилмади. Маҳсулотнинг сифатини эмас, сонини ошириш учун ҳаракат қилинди. Оқибатда ўтмай қолган — сифатсиз товарлар кўпайиб кетди. Бу жараён XX асрнинг энг оғриқли нуқталаридан биридир. Лекин асримизнинг сўнгги 10 йиллигида биз барча ривожланган мамлакатлар каби «маркетинг» тизимини ҳаётимизга татбиқ қила бошладик. Буни мен якунланаётган 100 йилликда қўйилган энг катта қадамлардан бири деб ҳисоблайман.

Маркетингда кўр-кўрона режа эмас, балки истеъмолчининг хоҳиш ва истаклари, талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинади. Бозорда маҳсулотлар сифати учун рақобат кетади.

Аслида маркетинг тузилмаси мамлакатимиз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз азалдан савдогарлик қонун-қоидаларига амал қилиб келганлар. Зеро, Имом Исмоил ал-Бухорий ҳадисларида ҳам «касбларнинг афзали кишининг қўл меҳнати билан бажариладигани ва ҳалол савдодир», деб қайд этилган.

Мен янги асрда бир иқтисодчи сифатида ҳалол савдо камол топишини истайман.

■ **Музаффар РУСТАМОВ,**
Андижон университети иқтисодиёт факультетининг катта ўқитувчиси

АЁЛ ДОИМ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Мен башоратчи эмасман. Лекин ҳамма қатори менинг ҳам XXI асрдан умидларим кўп.

Сир эмас, ҳозир оиладаги моддий муаммоларнинг 70 фоизини аёллар ҳал қилмоқдалар. Аслида оналарнинг ўрни ҳамиша юксак бўлади. Бола-чақасига бош бўлиб ўтиришнинг ўрнига уларнинг айримлари картошка, пиёз парвариши, айримлари савдо ишлари бўйича бозорда талашиб-тортишиб юрганларни кўрсам кайфиятим тушиб кетади. Мен янги асрда оиладаги барча қийинчиликларни эркаклар ўз зиммаларига олишларини хоҳлайман. Чунки эри эъзозлаган аёлни эл ҳам ардоқлайди. Қолаверса, ҳисоб-китоб ишлари эркакларга муносиб ишдир.

■ **Машҳура ЮСУПОВА,**
«Машҳура» хусусий фирмаси раҳбари

МАЪНАН ЮКСАЛИШ КЕРАК

Одатда йилларни кутиб олишга шунчалик одатланиб қолганмизки, ҳар бир йил ҳаётимизга яна бир саҳифа бўлиб қўшилаётганлигини ва бу саҳифани янги сатрлар билан безаш кераклигини унутиб қўямиз. Мана, ниҳоят курраи заминимиз янги аср томон юз бурмоқда. XX асрнинг сўнгги саҳифалари ҳам якун топмоқда. Фараз қилайлик, янги асрнинг ҳали варақланмаган, сўзлар битилмаган китоби кўз олдимизда турибди. Бу китобга битилажак воқеаларнинг ижрочилари ўзимиз, яъни замин фарзандлари. Шахсан мен шу юртнинг бир фуқароси сифатида шу нарсаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Аввало кўзни юмиб бир хаёлга шўнғийлик.

Ҳаёт денгизида қалқиб сузиб келаётган XX аср одами XXI асрнинг тезкор оқимига қандай мослаша оларкин?

Биз кайфиятимизда, руҳиятимизда, тафаккуримизда ўзгариш қилмас эканмиз, янги аср остонасида ётсираган кимсаларга ўхшаб қоламиз. Шунинг учун янги асрни янги одамлар бўлиб кутиб олишни истардим. Янги асрдан кўп эзгуликлар кутса бўлади. Чунки, маънан юксалган инсон фақат эзгуликка интилади. Ўйлайманки, айрим эски ашқол-дашқоллар янги асрга судралиб ўтолмайди. Келинг, азиз юртдошлар янги асрга ҳар томонлама ярашиб тушайлик.

■ **Сайёра ШОДИЕВА**

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини маъқуллади.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охунов, «Мубораксшев депутатлар хукмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифохонаси бош врачи Р.Мухаммадиев сўзга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қабул қилиниши мунасабати билан Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларига, шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Оқдарё тумани Мирзо Улуғбек номидаги 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сўзга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда кўрилаётган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмуҳамедов, «Новатор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев сўзга чиқди. Олий Мажлис қонунни қабул қилди.

***

Тошкентда 15 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси давом этди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов иккинчи ўқишда киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши давлат университетининг ректори Н.Ҳакимов, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги агрофирма раиси Э.Қаҳҳоров, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари барчамиз терроризмнинг мамлакатимиз хавфсизлиги учун нечоғлик катта таҳдид эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун курашнинг янги, ноанъанавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Президент ушбу жиддий хавфга етарлича баҳо берилмаслиги, унга юзаки ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. Энг муҳими, қонунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллий қонунчилигимизда, энг аввало «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ акс эттиришимиз зарур.

Парламент қонунни тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Наманганга» бошқармаси бошлиғи З.Тожибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Асқаров сўзга чиқди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Сирдарё тумани ҳокими И.Эрбеков, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Раматов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлашди.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институтининг Фарғона филиали илмий ходими М.Раҳматов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларни «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат тўғрисидаги мулоҳазаларини «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров билдирди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мажлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади, баъзи қўмиталар таркибига ўзгартиришлар киритди.

Депутатлар котибият раҳбари А.Саъдуллаевнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглашди.

Олий Мажлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшонов сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси якунланди.

* * *

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Зарретдинов Қурбанбай — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри бош дирижёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Айимбетова Гулхатиша — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Алибеков Ислам Майбасович — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри бош рассоми

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Сапаев Розимбай — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

Қутекеева Роза Артиковна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри актёри

Қорақалпоғистон халқининг маданияти ва санъатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари, эришган ижодий ютуқлари, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мухаммеддинов Нажиматдин — Нукус шаҳар маданият билим юрти директори

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Матчанов Байрам — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Мурадов Байрамгелди — «Айқулаш» ансамбли директори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Пиржанова Дильноза Жумабаевна — «Аму тўлқини» ансамбли рақкосаси

Қалимбетов Тўраниёз — «Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри

Қарлибаев Абдибай — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН

Абибов Юсип Жумабаевич — «Айқулаш» ансамбли балетмейстери

Латипов Розумбай Усманович — Тўрткўл туманидаги «Жайҳун» ансамбли бадиий раҳбари

Раметова Гулбаҳар — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси оркестри созандаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабрь

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб, ХДП Тошкент шаҳар партия ташкилотлари ташаббуси билан кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши, Тошкент давлат юридик институти қошидаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқ ва бурчларининг кафолати» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказди.

Худди шу мавзуга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари пойтахтнинг турли ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда маҳаллаларида ҳам уюштирилди. Уларни ХДП Акмал Икромов, Бектемир, Миробод, Чилонзор, Яккасарой ҳамда Мирзо Улуғбек туман кенгашлари ташкил этди.

* * *

Сирдарё туманидаги тиббиёт муассасалари, билим юртлари талабалари ва шаҳар ёшлари ўртасида, XX аср вабоси ҳисобланмиш СПИДга қарши кураш ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган, турли хилдаги учрашувлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларни ташкиллаштиришда туман партия кенгашининг алоҳида ўрни бор.

ХДП Сирдарё туман кенгаши, «Маънавият ва маърифат» кенгаши ва «Камолот» жамғармаси туман бўлимлари ҳамда туман Меҳнат биржаси билан биргаликда, ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида, «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказдилар. Натижада, тумандаги 60 га яқин ишсизлар ўз иш ўринларига эга бўлдилар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий мунозара клуби»нинг навбатдаги машғулоти «Мафкурамиз тинчлик ва яратувчилик мафкурасидир» мавзуида бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ташкилотларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

* * *

ХДП Избоскан туман кенгаши, туман Касаба уюшмалари ташкилоти кенгаши билан ҳамкорликда, Конституция куни арафасида «Конституция — адолат кўзгуси» мавзуида, кўрик-танлов ўтказди. Туман Бизнес мактаби ўқувчилари иштирок этган ушбу танловда, асосан, ёшларнинг фуқаролик бурчлари, ҳуқуқ ва масъулиятлари хусусидаги масалалар кўтарилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Олтинкўл туман кенгаши ташаббуси билан, ногиронлар кунига бағишлаб, меҳр-мурувват кунлари ўтказилди. Ушбу тадбирни ташкиллаштиришда тумандаги барча фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари фаоллик кўрсатдилар.

* * *

ХДП Марҳамат туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида, Марҳамат туман партия ташкилотларида партия марказий матбуот нашрларига 2001 йил учун обунани ўтказишнинг аҳволи, депутатлик қабулхоналарини ташкил этиш ҳамда, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остидаги, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича Ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

* * *

Фарғона вилоят партия кенгашида, вилоят партия ташкилотлари тузилмаларининг, 2000 йилдаги сифат кўрсаткичи бўйича, таҳлили ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш масалаларига бағишланган, йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан, Пешку туманидаги «Қалайимиришкор» қишлоғида жойлашган сил касалликлари шифохонаси ҳамда «Маданият» жамоа хўжалигидаги айрим кам таъминланган оилаларга, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли Бухоро аэропорти жамоаси томонидан, моддий ёрдам кўрсатилди. Бу тадбирнинг ташаббускори ХДП Пешку туман кенгаши бўлди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қамаши туман кенгашида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган, маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ва ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этдилар. Ушбу мавзудаги йиғилиш вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ХДП бошланғич ташкилоти томонидан ҳам ташкил қилинди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА

МУРОЖААТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдига улуғ ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у беқиёс анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.

Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган диёр.

Янги аср мамлакат учун янгиланиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдири, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идрокимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги минг йиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолисига, Марказий Осиё халқлари ва сайёрамизнинг барча аҳлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз комилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўёбга чиқишида Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

2000 йил 14 декабрда, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2001 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомида Олий Мажлис депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг юқори даражаси (давлат мақсадли фондларисиз) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини устувор тарзда молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик янада мустаҳкамланишини, фаол инвестиция сиёсати ўтказилишини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини таъминласин;

давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан ва давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар жалб этилишини назарда тутсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари бюджетга тўловлар тўлиқ тушишини, харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида молиялаштирилишини ва давлат маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат қилинишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 2001 йилда Давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,5 фоиз доирасида қопланишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабрь

МУЛОҲАЗА

ҚЎШИҚ ҲАМ МАФКУРАДИР

Хизмат кўрсатган артистнинг «Кетма, жоним» қўшиғига олинган клипни кўриб аввалгилари ҳарна эди-ёв, деб юборасан киши. Наҳот, клип олишнинг янги босқичи бошланган бўлса?

Аввалги клипларда шим ва майкани баданига ёпиштириб кийиб олган 5-10 чоғли «раққоса» қизлар хонандалар ортида «фон» бўлиб туришарди. Мавлуда Асалхўжаеванинг янги клипида қизлардан шим ва майка ҳам ечиб олинибди. Клип қўшиқ мазмунига нечоғлик мослиги ҳақида гапираётганимиз йўқ. Клипнинг қадриятларимизга, урф-одатларимизга умуман тўғри келмаслигини таъкидлаяпмиз, холос. Санъат инсонларнинг маданий, маърифий, маънавий савиясини оширишга хизмат қилиши керакми, ё..?

Бойлик билан, масалан, машина, дача билан мақтаниш ҳеч қайси халқда қадрият ҳисобланилмайди. Уни ўзбек тилида оддийгина «олифтагарчилик» деб аташади. Афсуски, ўшандай олифтагарчилик қўшиқларга ишланаётган видеоклипларга бус-бутунича кириб келди. Хусусан, машина элементи. Ўринли бўлмаса-да, клипларимизда машина пайдо бўлиб қолаверади. Ўзиям «Мерс» ёки «Лимузин». Ёшгина хонандалар бўлса майли-я, таниқли санъаткорларимиз ҳам шундай йўл тутганларини кўриб хафа бўласан киши.

Итни халқимиз ҳовлида сақлайди. Клипларимизда эса («Шаҳзод» — «Барибир сени олиб кетаман», М. Асалхўжаева — «Зор бўласан», Руслан Шарипов — «Агар сен...») ит уйнинг ичида, нақ диван устида эгаси билан ёнма-ён яшайди. Зоти ҳам алламбало, ранги ола-чипор, Европа итлари зотига ўхшаб кетади...

Санъаткорларимиз қадриятларга-ку бепарво экан, ҳеч бўлмаса реалликка — мавжуд ҳолатга эътибор қаратсалар бўлмайдими? Қўшиқ мазмунига итнинг нима алоқаси бор?

— Биргина Тошкентнинг ўзида чет эл эстрада гуруҳларини олиб келиб, концерт уюштириш билан шуғулланадиган 30 га яқин ташкилот бор экан. Лекин улар олиб келаётган санъаткорлар қўшиқлари ёшларимиз маданий савиясига қандай таъсир қиляпти? Ўтказилаётган маданий тадбирлар улар онгига, дунёқарашига ижобий турткі беряптимикин? Қизиқ ҳолат мавжуд — мумтоз қўшиқлар концертлари уюштирилмайди, уюштирилса ҳам зал ярмигача тўлмайди. Биз ёшлар қалби учун кураш кетаётган бир пайтда бундай маданий бўшлиққа асло йўл қўймаслигимиз зарур.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоевнинг бир анжумандаги бу сўзлари билан юқоридаги ҳолатлар ўртасида боғлиқлик бор.

Санъат маданий савияни нафақат ошириши, балки унга хуруж ҳам қилиши мумкин экан. Бундай ҳолат бизга нафақат ташқаридан, ичкаридан ҳам бўляпти. Афсуски, бунда санъат арбоблари, хусусан, қўшиқчиларимизнинг ҳам ҳиссалари йўқ эмас. Уларнинг қўшиқлари маданий савиямизга нечоғлик хизмат қиляпти? Қўшиқлар мазмуни қадриятларимизга, ахлоқ-одобимизга мосми?

Ёмон қўшиқ ахлоқни бузиши мумкин. Кузатсангиз, мумтоз қўшиқлар ижросидаги концертлар деярли йўқ. Ваҳоланки, мумтоз қўшиқларни эшитиш учун маълум бир маънавий тайёргарлик керак бўлади. Мумтоз қўшиқлар тингловчи танлайди — унинг сўзи, куйи ва хонанда хонишини тушуна оладиган зиёли тингловчи керак. Кўпларимиз эса бундай тайёргарликдан кўра тайёрини, енгилини танлаб қўяқоламиз, эстрада қўшиқларига ўзимизни урамиз. Эстрадада енгил қўшиқлар етарли. Ёшларимизнинг енгил-елпиликка мойиллигида енгил-елпи қўшиқларнинг ҳам озми-кўпми хизматлари бор. Маънавиятимиз, қадриятимизга, миллий урф-одатларимизга тўғри келмайдиган қўшиқлар ана шундай кўзга кўринмас бузғунчилик фаолиятини амалга оширмоқда. Дидимизни, савиямизни саёзлаштирмоқда.

Россиялик губернатор Омон Тулиев бир қарор чиқарибди. Бу қарор бўйича Санкт-Петербургдан келадиган барча эстрада гуруҳлари бу губернияга киритилмайди. У ўз губерниясини енгил-елпи — саёз қўшиқлардан, саёз дунёқарашдан шу йўл билан қўриқлашни хоҳлайди.

Келтирилган мисол бизда ҳам шундай йўл тутиш керак деган маънони англатмайди. Соғлом авлод, иймони бут келажак, қадриятлари омон миллат учун бугун қайғуришимиз, керак бўлса курашишимиз зарур, деган маъно бор бу мисолда. Биз курашнинг маданий йўлини танласак бўлади.

— Ёзувчиларнинг Сеулдаги конференциясига борганимда қизиқ ҳолат юз берган эди. Андрей Вознесенский билан Сеул кўчаларидаги ёйма бозорга бордик. Бир туфлини қўлимга олиб нархини сўрашимни биламан, сотувчи чунонам бақириб кетдики, ҳатто оғзидан тупуклар сачради. Таржимон орқали сабабини билсак, менга нега она тилингни унутдинг, дея уришаётган экан. У мени корейс деб ўйлабди.

Абдулла Орипов бу воқеани ибрат тарзида айтди. Ҳар бир халқ ўз мафкурасини, қадриятини сақлаши учун ҳеч бўлмаса корейс сотувчиси каби шижоаткор бўлиши керак. Унинг жонкуярлигидан ибрат олиш лозим. Чунки...

...Шунга ўхшаш мисолни айтиб берай. Буниси ўзимиздан. Кореяга борган бир ўзбек зиёлиси овқатдан 10-15 минут олдин минерал сув ичиш одатини кўради. У бу одатни ўз хонадонига бус-бутунича кўчирди: келган кореялик меҳмонларга ҳамма ўзбек хонадонларида бўлгани каби бу хонадонда, аввало, дастурхон ёзилиб нон-чой қўйилмади, балки бир пиёла сув келтирилди.

Оддий тижоратчи англаган нарсани санъаткор, зиёли англаши керак эди. Чунки, қўшиқ нафақат санъат, қолаверса мафкурадир.

Лоақал корейс тижоратчиси каби ўз қадриятлари учун оддий фуқародан тортиб, зиёлиларгача курашса, илло ёшлар қалби ҳам, онги ҳам ўзимизники бўлади. Келажакка соғлом тафаккур ва соғлом дунёқараш билан кириб борамиз, насиб этса!

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚАЛБИМИЗДА БАЛҚИГАН ҚУЁШ, ОРОЛ ЭСА ЎЗБЕГИМНИНГ КЎЗИДАГИ ЁШ

МУҲАББАТ ЙЎЛЛАРНИ ЯҚИН ЭТГУВЧИ

Тошкентдан Нукусга қадар бўлган масофа 1255 километр. Лекин шунга қарамасдан ўзбекнинг бир бўлаги бўлган бу диёр ҳамиша қалбимиздан муносиб ўрин олгандир.

Кеча Тошкентда Қорақалпоқ маданияти кунлари очилди. Қардошлигимиз, қон-қариндошлигимиз меваси бўлган ушбу йирик анжуман икки халқ ўртасидаги абадий дўстликнинг XXI асрда ҳам янада юксак чўққиларга кўтарилишидан дарак беради.

Халқларимиз ўртасидаги қадим ижодий алоқаларни бир мисоли сифатида икки халқ учун ҳам бирдек ардоқли бўлган «Алпомиш» достонининг қорақалпоқ версияларининг ўзи ҳам саккизта вариант эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қўшиқларимиз, достонларимиз, дарду ҳасратларимиз, қувончу ташвишларимиз ҳамиша бир бўлган.

1998 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан икки улуғ қорақалпоқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёзнинг улкан тўйлари катта тантана қилинди. Бу эса қорақалпоқ халқига, унинг маданиятига, адабиётига бўлган юксак ҳурматнинг бир кўриниши.

Бугунги катта ўзбек адабиётини қорақалпоқ адабиётининг йирик намояндалари Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсуповлар ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улкан уммонга келиб қуйилган уйғоқ бир дарё мисоли қорақалпоқ адабиёти мустақиллик йилларида янада кенг қулоч ёзиб муқаддас манзиллар томон интилмоқда.

Муҳаббат йўлларни яқин этгувчидир. Муҳаббат дилларни ҳис этгувчидир. Муҳаббат қалбларни асир этгувчидир. Бугун мана шу муҳаббат туфайли қорақалпоқ ва ўзбек халқлари ўртасида узилмас бир риштa яшаб келмоқда. Унинг абадийлигига эса шак-шубҳа йўқ.

■ **Фаррух ҲАМИДУЛЛО ўғли**

ҚОРАҚАЛПОҒИ БОР ҲАР БИР ЎЗБЕКНИНГ

Темур КАМАЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси:

«Тараққиётни маънавий дунёси баркамол инсонлар таъминлайди». Президентимизнинг ушбу сўзлари бугун ҳар қадамда ўз исботини топмоқда.

Мустақил давлатимиз маънавият, маърифат, маданият ва санъат соҳасида эришаётган жаҳоншумул муваффақиятларида унинг ажралмас бир қисми бўлган кўп миллатли қорақалпоқ халқининг ҳам муносиб улуши борлигидан фахрланамиз.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азал-азалдан дили бир, ниятмақсади бир, ҳақиқий жонфидо биродарликнинг тимсоли бўлиб келган туғишган-қардош халқлардир. Бу қардошлик ва дўстликнинг замирида кўпгина ер юзи халқлари ҳавас қилса арзигулик ўлмас маънавий қадриятлар — санъат, адабиёт ва маданият мустаҳкам пойдевор бўлиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган асрларда буюк Навоий, Огаҳий, Ажиниёз ва Бердақ боболаримиз бошлаб берган бу табаррук йўлдан бугунги кунда ўнлаб, юзлаб ажойиб истеъдодлар дўстлик ва иноқликни бошлари узра байроқ қилиб кўтариб, олға бормоқдалар.

